

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 59 (1658), 2026 йил 27 март, жума



ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26 март куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Тожикистон Президентини “Тошкент — Ҳумо” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди. Олий мартабали мяхмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилиди ва фахрий қоровул саф тортди.

Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги яқинлик, дўстлик-биродарлик ришталари мустақам тарихий илдишларга эга. Бир ўздандан сув ичган халқларимиз тарихи, тақдирини туташ, урф-одатлари, қадрият аъёнлари яқин, мақсадлари муштарак. Шу боис, азалдан бу икки халқ ўртасида қудда-андалик, қариндошлик алоқалари мустақамлашиб келган.

Халқларимиз ана шундай яқинлик, умумий маданий макон, қадриятлар муштараклиги ва қўшнилик аъёнлари асосида замонлар оша ҳамжиҳат, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликда ёнма-ён яшаб келмоқда. Асрлар давомида савдо йўллари, илм-фан марказлари ва маданий муҳит халқларимизни ўзаро янада яқинлаштирган, яқинлаштирган. Айниқса, мустақиллик йилларидаги муайян муддат турғунликдан кейин — сўнгги 9-10 йилда асрий алоқалар қайта тикланиб, янги Ўзбекистон шароитида замонавий босқичда янги мазмун билан бойиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил кенгайиб, сиёсий мулоқот билан бир қаторда савдо-иқтисодий, транспорт ва гуманитар соҳаларда ҳам аниқ натижаларга эришилаётгани фикримиз тасдиғидир.

Кўрсарой қароргоҳида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев олий мартабали мяхмонни самимий кутлаб, шохсупага таклиф этди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Харбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Тожикистон мадҳиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ўртасида тор доирада музокаралар ҳамда Олий давлатларо кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон 2018 йилда стратегик шериклик алоқаларини ўрнатган бўлса, 2024 йилда иттифоқчи давлатларга айланди. Ўтган қисқа муддатда давлатларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ҳамда кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари юқори даражага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини янада мустақамлашда муҳим босқич эканини таъкидлар экан, “Бугун биз Олий давлатларо кенгашининг биринчи йиғилишини бошлаб бормоқдамиз. Ушбу формат, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради, Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини амалий мазмун ва илгор ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилади”, деди.

Олий давлатларо кенгаш Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқадиган муҳим институционал тузилмадир. Мазкур механизм икки томонлама алоқаларни юқори даражада мувофиқлаштириш, устувор йўналишлар бўйича аниқ қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини тизимли назорат қилиш имконини беради. Шу орқали стратегик шериклик ва

иттифоқчилик муносабатлари амалий мазмун билан бойиб, ҳукуматлар, парламентлар ва идоралар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланади.

Йиғилишда айнан шу йўналишдаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, ҳамкорликни янги лойиҳа ва ташаббуслар билан кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт-логистика боғлиқлигини мустақамлаш ҳамда сув ва энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб олди.

Ташрифга тайёргарлик жараёни ҳам кенг қамрови ҳамда амалий натижалари билан ажралиб турди. Хусусан, Ҳукуматларо комиссия йиғилиши ўтказилиб, унда ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўйича аниқ келишувларга эришилди. Саноат кўргазмаси ташкил этилиб, икки мамлакат корхоналари ўртасида янги кооперация алоқаларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама этилди.

Худудларо ва соҳавий мулоқотлар доирасида ректорлар, олимлар, ёшлар ва тахлил марказлари иштирокида қатор форумлар ўтказилди. Ушбу платформалар илмий-таълимий алмашинуви кенгайтириш, инновацион лойиҳаларни илгари суриш ҳамда эксперт даражасидаги ҳамкорликни кучайтириш борасида муҳим аҳамият касб этди.

Маданий-гуманитар йўналишдаги тadbирлар ҳам ташрифнинг муҳим қисми бўлди. Хусусан, мамлакатимизда Тожикистон маданияти ва кино кунлари ўтказилди. Бу эса икки халқ ўртасидаги тарихий яқинликни янада мустақамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари алоҳида устувор йўналиш сифатида кўриб

чиқилди. Сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиш суръатини намойён этиб, ўтган йил якунига қўра қарийб 1 миллиард долларга етгани қайд этилди. Ушбу натижага, аввало, тайёр маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш ҳажми ортиб бораётгани ҳисобига эришилди. Томонлар мавжуд салоҳиятни инобатга олган ҳолда, 2028 йилга бориб ўзаро савдо ҳажмини 2 миллиард долларга етказиш имкониятини атрофлича муҳокама қилди.

Савдо-иқтисодий алоқалар таркиби ҳам босқичма-босқич диверсификация қилинмоқда. Бугун саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника ва фармацевтика каби қатор соҳаларда қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Мазкур йўналишларда ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштириш, қўшилган қиймат занжирларини кенгайтириш ҳамда янги бозорларни ўзлаштириш масалалари кун тартибидан ўрин олди.

Транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланыпти. Ҳозир икки мамлакат пойтахтлари ўртасида мунтазам авиарейслар йўлга қўйилган. Шунингдек, автобус ва темир йўл қатновлари тикланган. Бу эса нафақат йўловчи, балки юк ташиш ҳажмининг ҳам жадал ошишида муҳим ўрин тутмоқда.

Томонлар ўзаро боғлиқликни янада мустақамлаш мақсадида логистика инфратузилмасини ривожлантириш ва транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш масалаларида келишиб олди.

Хусусан, “Ойбек — Фотиҳобод” чегараолди савдо марказини барпо этишни жадаллаштириш, маҳсулотларни сертификатлаш тизимини ўзаро уйғунлаштириш ҳамда “Э-Пермит” электрон рухсатномалар алмашинуви тизимини жорий этиш бўйича келишувларга эришилди. Шу билан бирга, чегара назорат пунктларини модернизация қилиш орқали юк ва йўловчи оқимини тезлаштириш, ортқча бюрократик тўсиқларни қисқартириш вазифалари белгиланди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш ҳам алоҳида эътибор марказида бўлди. Тоғ-кон, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат ва қурилиш соҳаларини қамраб олган алоҳида Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш режалаштирилмоқда. Ушбу дастур доирасида янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга старт берилиши, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини бирлаштириш ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш кўзда тутилган.

Истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшма Инвестиция компанияси капиталини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу эса йирк саноат ва инфратузилма лойиҳаларини тезкор рўёбга чиқариш, хусусий сектор иштирокини ошириш ҳамда иқтисодий ҳамкорликни янги даражага олиб чиқиш учун гоят муҳим.

Музокараларда энергетика ва сув ресурсларини бошқариш масалалари стратегик йўналиш сифатида атрофлича кўриб чиқилди. Томонлар сув ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш, мавжуд инфратузилма самарали бошқариш ҳамда энергетика хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўзаро келишилган ёндашувларни давом эттиришга тайёр эканини билдирди.

Шу билан бирга, энергетика, жумладан, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва тармоқларо интеграцияни ривожлантириш йўналишларида истиқболли лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Гуманитар, таълимий ва илмий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ҳам учрашув кун тартибидан муҳим ўрин олди. Томонлар худудларо алоқаларни фаоллаштириш, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқот йўналишларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини қайд этди. Ректорлар, олимлар ва эксперт доиралари ўртасидаги мулоқотлар ушбу жараёнинг муҳим таркибий қисми экани эътироф этилди.

Шунингдек, икки мамлакат худудида йирк диаспоралар мавжудлиги инобатга олиниб, маданий ва гуманитар алоқаларни янада мустақамлаш бўйича беш йиллик чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш таклиф қилинди. Ушбу ташаббус доирасида маданият, санъат, таълим ва ёшлар алмашинуви оид дастурларни кенгайтириш, халқлар ўртасидаги ўзаро яқинликни янада мустақамлаш кўзда тутилмоқда.

Минтақавий ва халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Томонлар Марказий Осиё минтақасида шаклланиб бораётган очиқ ва конструктив мулоқот муҳитини қўллаб-қувватлаш, кўп томонлама тузилмалар ва минтақавий форматлар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, ўзаро қўллаб-қувватлаш механизмларини мустақамлаш, умумий ташаббусларни илгари суриш ва минтақавий интеграция жараёнида фаол иштирок этиш бўйича яқин дид позиция билдирилди. Замонавий таъдид ва хатарларни инобатга олган ҳолда, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик масалаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш, тегишли идоралар ўртасидаги амалий алоқаларни кучайтириш бўйича келишувга эришилди.

Йиғилишда Ҳукуматларо комиссия ҳамраислари — икки мамлакат Бош вазирларининг ҳамкорликнинг асосий йўналишлари юзасидан ҳисоботлари тингланди. Яқунда эришилган келишувларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун кенг қамровли “Йўл харитаси” қабул қилиниши белгиланди.

Йиғилиш сўнгисида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнотни имзолади.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Олий давлатларо кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг етакчилар йирк кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этди. Давлат раҳбарлари 10 та қўшма лойиҳани бошлаб берди.

Тожикистонда мебель ва чарм маҳсулотлари корхоналарини ташкил этиш, маийш техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тўқимачилик қувватларини барпо қилиш, Тошкентда турар жой мажмуаси ва савдо объектларини қуриш ҳамда Фарғона вилоятида консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, Андижон вилоятида сут маҳсулотлари, Сурхондарё вилоятида эса мева шарбати ва металл брикетлар ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Шунингдек, Янги Тошкентдаги кўчалардан бирга Душанбе шаҳри номини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари тақдимот қилинган лойиҳаларнинг амалга оширилиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга юқори суръат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Олий давлатларо кенгашининг биринчи йиғилиши якуни юзасидан фикрлари билан ўртоқлашди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон биродар Тожикистоннинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш, инфляцияни жилловлаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида эришаётган юксак натижаларидан чин дилдан мамнун эканини таъкидлади.

Тожикистон Ўзбекистон учун ишончли стратегик шерик ва иттифоқчидир. Мамлакатларимиз мақсадлари, қараш ва интилишлари муштарак экани, икки томонлама муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиётгани таъкидланди.

Парламентлар ва ҳукуматлар, худудлар раҳбарлари ва зиёлилар даражасида мунтазам учрашувлар ўтказилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ҳозир мамлакатимизда 500 дан ортқ қўшма корхона фаолият юритмоқда. Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Пойтахтлар ўртасида ҳафтасига ўн та авиарейс қатнамоқда.

Ўзбекистон Президенти саммитга жиддий тайёргарлик қўрилганини маълум қилди.

Ҳукуматларо комиссия йиғилишлари, худудлар, ректорлар, олимлар, ёшлар, тахлил марказларининг форумлари, Тожикистон маданияти ва кино кунлари, бошқа қатор муҳим тadbирлар муваффақиятли ўтказилди.

Музокаралар ҳамда Давлатларо кенгашининг биринчи йиғилишида кенг доирадаги масалалар муҳокама қилинди, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадлари белгилаб олинди.

Барча даражада фаол алоқаларни давом эттириш, халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, Маслаҳат учрашувлари ва “Марказий Осиё плюс” форматлари доирасида мулоқотни мустақамлаш муҳимлиги таъкидланди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАМАДДУН тафаккури

Ушбу сонда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига махсус саҳифаларимиз орқали ташриф буюрар экансиз, юртдошларимиз ва бутун дунё мамлакатларидан келаятган сайёҳлар эътирофлари, хориж нашрларида марказ ҳақида эълон қилинган мақолалар шарҳи билан танишасиз, мажмуа зиёратининг тартиб-қоидаларини билиб оласиз. Шунингдек, “Вақт девори” бўйлаб виртуал саёҳат қиласиз.



ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматларига алоҳида дастур асосида товар айирбошлашни икки миллиард долларга етказиш бўйича амалий чоралар кўриши топширилди.

Энергетика, геология, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳаларда икки миллиард долларлик ташаббусларни қамраб олган Кооперация дастури амалга оширилади.

Томонлар ушбу лойиҳаларни илгари суриш учун Қўшма инвестиция компаниясининг салоҳиятидан фаол фойдаланишга келишиб олди.

Транспорт ва транзит соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Юк ташишда электрон рухсатнома бериш тизимини жорий этиш тўғрисида битим имзоланди. Шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспорти қатновларини кенгайтириш ҳамда чегара ўтказиш пунктларининг қувватини ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирлардан асосий мақсад — бизнес ва фуқаролар учун қўлай шароитлар яратиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш драйвери сифатида ҳудудлар салоҳиятини яхши солиш.

Сув ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг муҳим йўналишидир. “Яшил” энергетика соҳасида йирик лойиҳаларни биргаликда илгари суриш ҳамда сув тақсимоти, сув иншоотларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш масалаларини мувофиқлаштиришга тайёрлик тасдиқланди.

Маданий-гуманитар алоқалар халқларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик кўприги бўлиб қолмоқда. Ҳамкорлик доирасида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги ҳақида фильм тайёрланди.

Ийлик тақвим асосида таълим, туризм ва ёшлар йўналишидаги фаол алмашинувларни давом эттириш нияти билдирилди.

Икки мамлакатдаги йирик ўзбек ва тожик диаспораларини қўллаб-қувватлаш, маданий марказларни кенг ривожлантириш, она тили, анъана ва урф-одатларни асраб-авайлаш мақсадида Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик бўйича комплекс дастур тайёрланди.

Яқинда ушбу тарихий ташриф натижалари иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаб, биродар мамлакатларимиз барқарор ривожланиши ва равангага ҳар томонлама хизмат қилиши қайд этилди.

Президентимиз жорий йил 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташриф буюрган эди. Ўшанда камбағалликни қисқартриши, аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси Жарқўрғон туманида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивига бориб, аҳоли билан мулоқот қилган эди. Мазкур ташриф вилоят ахлига кўтаринки кайфият бериб, ислохотларга янги руҳ бағишлади. Сурхондарё аҳолисининг фаровонлиги учун янги имкониятлар эшигини очди.

Кейинги йилларда юртимиздаги ислохотлар марказига инсон қадрини, манфаатини ва фаровон ҳаёти қўйилди. Бу таъмин, айниқса, маҳаллалардаги амалий ишларда яққол намойён бўлмоқда. Бойси, маҳалла фақат ҳудуд эмас, балки одамларни бирлаштирган, уларнинг ҳаёти, орзу-умидлари, қувончи ва ташвишларини ўзида муҷассам этган масқандир.

Сурхондарёда маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун вилоятдаги 723 та маҳалланинг 48 таси чегарага яқин ва марказдан олис ҳудудларда жойлашган. Жумладан, Узун тумани мамлакатимиз пойтахтидан 800 километр, Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳридан 200 километр олдига жойлашган. Қўшни Тожикистонга чегарадан бўлса-да, у ерда катта ўзгаришлар, ислохотлар натижаси бўй кўрсатиб турибди.

Хусусан, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш борасида кенг қўламли ишлар қилинган. Янги йўллар, пидедалар йўлакчалари ётқизилмоқда. Кўчаларда туғни ёриткичлар ўрнатилмоқда. Бу ишлар ҳудуд қиёфасини кўркамлаштириш баробарида одамларнинг хавфсизлиги ва қўлайлигига ҳам хизмат қилади. Шу кунларда туманининг Обод юрт маҳалласи ҳудудида ҳам бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари жадал бажарилмоқда. Жумладан, “Ташаббусли бюджет” дастури доирасида ариқларни бетонлаш, ўриндиқлар ўрнатиш ҳамда пидедалар йўлагини ётқизиш ишлари бошланган.

Лойиҳа доирасида велосипедчилар, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус йўлаклар қурилади, 1300 метр узунликдаги ариқ бетонланади, қуёш панелли ёриткичлар ўрнатилади. Шунингдек, талаб этилган жойларга симёғоч, ўриндиқ, йўл белгилари, ўнга яқин видеокамера ўрнатиш режалаштирилади. Шу тариқа маҳалладаги кўп йиллик муаммоларга амалий ечим топиломоқда.

Узун туманининг Меҳнат маҳалласи аҳли ҳам бир ёқадан бош чиқариб, “Ташаббусли бюджет” дастурида иштирок этган ва лойиҳаси голиб деб топилган эди. — Маҳалламизда режага мувофиқ, 1 миллиард 405 миллион сўмлик ишлар қилиниши, жумладан, 125 та қуёш панелли ёриткич, 60 та бетон устун, 16 та видеокамера ўрнатиш, 2,6 километрга электр тармоғини тортиш белгиланган. Ҳозир бу бўйича амалий ҳаракатлар давом этмоқда, — дейди “Меҳнат” МФЙ раиси Шамсиддин Бобоев. — Ариқлар тозаланиб, замонавий талаблар асосида бетонланди. Бу эса аҳоли томоқларини сўғоришда ҳам катта қўлайлик яратмоқда. “Маҳалла еттиклиги” ва фаоллари, хомийлар ва маъсул ташкилотлар ҳамкорлигида қилинаётган бу ишларни аҳоли ҳам қўллаб-

қувватламоқда. Бугунги одамлар кечагидек бефарқ эмас, аксинча, уйғоқ, дунёқарашли кенг.

“Меҳнат” МФЙ кўчалари бўйлаб янги пидедалар йўлакчалари ётқизилмоқда. Бу эса



3,5 МИНГ МЕГАВАТТЛИ “ЯШИЛ” ҚУВВАТЛАР

7 миллиард куб метр табиий газ тежаллади ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади

Дунё жуда тез суръатларда ривожланиб бормоқда. Энергия ресурсларига талаб ошаётган бир шароитда модернизацияланган ва диверсификация қилинган энергетика тизимларини яратётган давлатлар энг катта устуңликка эга бўлмоқда. Энергетика соҳасидаги тизимли ишлар иқтисодиётнинг барқарор ўсишини, янги ишлаб чиқариш объектларини қўллаб-қувватлаш, махсуслот таннархини қисқартриш, ҳудудларни ривожлантириш ва аҳоли учун узлуксиз энергия мавжуд бўлиши каби муҳим омилларни таъминлайди.

Бу эса, ўз навбатида, ислохотлар самардорлигини ва бизнеснинг ишончилигини белгилайди. Шу боис, Ўзбекистон ҳозирги кунда энергетика соҳасига алоҳида эътибор қаратмоқда ва унга мамлакатни модернизация қилишнинг фундаментал асоси сифатида қарапти.

Бирок бугунги натижаларга эришиш йўли осон бўлмаган. Утмишдаги объектив ва субъектив омиллар бир неча ўн йиллар давомида тизимли муаммоларни шакллантирган ва мамлакат ривожини учун жиддий тўсиққа айланган. Эскирган инфратузилма тўғрисида айрим ҳудудларда тармоқлардан фойдаланиш даражаси 50-60 фоизни ташкил қилиб, доимий авария ҳолатида бўлиб, узатишларда катта йўқотишларга олиб келган.

Маъмурий бошқарув модели устувор бўлиб, ресурсларни тежайдиган бозор имтиёзлари деярли йўқ эди. Жорий тарифлар эзёқ вақт давомида энергиянинг асл қийматини белгилаб беролмас, бу эса инвестиция ва модернизация жараёнларига таъсир қилмасдан қолмасди.

Тармоқларда юқори технология йўқотишлар бўлиб, энергия ҳисоби талабга жавоб бермас, хусусий секторнинг сановатдаги иштироки чекланган эди. Буларнинг барчаси энергия таъминоти барқарорлигига ва иқтисодий ривожланишга тўсиқлик қиларди.

2017 йилдан вазият кескин ўзгарди. Президентимиз ташаббус билан энергетика соҳасини ривожлантириш, тежамкор технологияларни жорий этиш ва замонавий энергия бозорини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Мазкур тармоқда кенг қўламли тизимли ислохотлар даври бошланди. Қўнунчилик базаси янгиланди, энергия ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш функцияларини бир-биридан ажратилди. Рақобатни таъминлаш ҳамда хусусий сектор, хорижий инвестиция жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Янги ишлаб чиқариш қувватлари, жумладан, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Исциқлик электр станциялари ва тармоқларни модернизация қилинган. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг энергия юкласини камайтириш бўйича тизимли ишлар бажарилмоқда.

Янги ёндашув стратегик режалаштириш, бозорларни очиш, халқаро капитални жалб қилиш ва замонавий технологияларни жорий этиш асосида яратилди.

Бошқарув чоралари орасида энг муҳими генерация қувватларини модернизациялаш ва кенгайтириш бўйича давлат дастурлари қабул қилинган бўлди. Юқори энергия самардорлигига эга замонавий газ станциялари қурилди. Бу йилга миллиардлаб куб метр газни тежай имконини берди.

Электр тармоқлари инфратузилмаси қайта қурилди ва модернизация қилинди. Мингалла километр узатиш линиялари тортилди. Подстанциялар тизимлари, рақамли бошқарув тизимлари жорий этилди. Натижада мамлакатимизда электр энергияси бўйича нами генерация қувватлари 25,8 минг мегаваттга етди. Шундан қуёш, шамол ва гидроэнергетика 8 минг мегаваттни, яъни умумий ҳажмининг 31 фоизини ташкил этмоқда.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш назарда тутилган. Хусусан, қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 34,8 фоизга етказиш, бундай қурилмаларни ўрнатган корхона ва ташкилотлар, аҳоли турар жойларида манбанинг ишлаш самардорлигини ва эришилган натижаларни доимий мониторинг қилиб бориш шуллар жумласидандир.

Яна бир муҳим жиҳат. Жорий йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 90 миллиард киловатт-соатга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу 2020 йилдагига нисбатан 40 фоиз ўсиш демакдир. Шу билан бирга, иқтисодий ўсиш ҳамда тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ҳисобига электр истеъмолари яна 1 миллиард киловатт-соатга ортиши кутилмоқда.

Энг муҳими, аҳоли ва иқтисодиёт ётқиёжларига мис равишда энергия ресурсларини узлуксиз етказиб бериш, тармоқларни янгиллаш, инвестицияни қўлайлаштириш, йирик лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш биринчи навбатдаги вазифалар сирасидандир.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида сўнги беш йилда



6 минг мегаватт қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялар ишга туширилгани, умумий генерацияда “яшил” энергиянинг улуши 30 фоизга етганини қайд этди. Шунингдек, яқинда жами 3,5 минг мегаваттлик 4 миллиард 200 миллион долларлик “яшил” қувватлар қурилишига старт берилгани, натижада 2026 йилнинг ўзига 7 миллиард куб метр табиий газ тежаллиши ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинишини маълум қилди.

Дарҳақиқат, энергетика тизими ислоҳоти Президентимизнинг доимий назоратида бўлиб, бу жараёнларга юқори суръат ва маъсулият бағишланмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг энергетика сектори изчил, узоқ мuddатли иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 23 февраль кунини йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, энергия тизими барқарорлигини таъминлаш ва энергия самардорлигини ошириш масалалари бўйича ўтказилган йилги соҳа олдига турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Асосийси, қувватларнинг экологик тоза турлари, қуёш ва шамол энергиясини мамлакат иқтисодиёти учун ҳақиқий кучга айлантириш вазифаси белгиланди.

Сўнги йилларда минтақада энг йирик қуёш электр станциялари қурилди. Шамол энергетикасига оид қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, самарали баланслаш учун энергия захиралари яратиш бошланди.

Ўтган йил 5 декабрда Президентимиз янги энергетика қувватлари ва инфратузилма объектларини ишга тушириш маросимида сўнги йилларда энергетика тизимига 35 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниб, 9 минг мегаватт янги қувват ишга туширилганини қайд этганди.

Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соатдан жорий йилда 85 миллиард киловатт-соатга етди.

Шунингдек, қарий 11 миллиард долларлик янги 42 та энергия ишлаб чиқариш объекти, сақлаш қувватлари ва бошқа инфратузилма иншоотлари фойдаланишга топширилди, 21 та янги лойиҳа қурилишига старт берилди. Ушбу лойиҳалар иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, ҳудудларда узлуксиз энергия таъминоти, ишлаб чиқариш қуввати ҳамда қишлоқ ва сановат сектори учун қўшимча имкониятлар яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бу эса миллий энергетика тармоғи салоҳиятини мустақамлашга қаратилган кенг қўламли стратегиянинг бир қисmidир.

— Айни пайтда ёқилғи-энергетика мажмуидagi инвестиция портфели 133 та лойиҳани қамраб олган бўлиб, умумий қиймати 51,4 миллиард долларни ташкил этмоқда, — дейди энергетика вазир Жўрабек Мирзамамудов. — Шундан 43 миллиард долларлик 73 та йирик лойиҳа бўйича тизимли ёндашув қилиб, йил якунига қадар 6770 мегаватт янги қувватлар ишга туширилади. Бу лойиҳалар деярли барча ҳудудларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Президент ташрифидан сўнг

ОБОД БЎЛАЁТГАН ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



аҳолининг эркин ҳаракатланиши, болаларнинг мактабга бориб-қелиши, кексаларнинг бемалол сайр қилиши учун жуда муҳим. Бундан ташқари, замонавий, энергия тежамкор ёриткичлар ўрнатилгани қўлайлик яратиш билан бирга ҳудудда хавфсизликни таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Янги куч маҳалласида ҳам 2025 йилда қатор ишлар қилинди. Жумладан, йўллар кенгайтирилиб, ёриткичлар қўлайлаштирилди, пидедалар йўлагини қурилди. Жорий йилда эса нуронийлар қўйхонаси барпо этиляпти. Маҳалла гузарини келгусида отахона онахона учун маънавий суҳбатлар уюштириш ва мазмуни дам олиш учун муносиб маскан бўлиб хизмат қилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жумладан, кўзи ожиз ва ногиронлиги бўлган шахслар билан олиши, ахборотга эркин эга бўлиши ва маънавий дунёқарашини бойитиши учун замонавий электрон кутубхона барпо қилиняпти.

— Лойиҳа асосида замонавий электрон кутубхона ташкил қилиниб, хоналар махсус жиҳозланади. Замонавий компьютерлар, нутқ орқали ишлайдиган дастурлар, аудио-кинобаза ҳамда брайль ёзувидаги адабиётлар билан таъминланган инфратузилма

яратилиши режалаштирилган, — дейди “Янги куч” МФЙ раиси Камол Ёқубов.

Кутубхонадан фойдаланувчилар учун қўлай муҳит, малакали мутахассислар кўмаги ва зарур техник шароит ташкил этилиши кўзда тутилган. Маълумот ўрнида айтиш жоиз: ҳозир туманда ногиронлиги бўлган 7925 шахс, кўзи ожиз 668 фуқаро яшайди. Ушбу кутубхона учун жуда муҳим ва фойдали маълумотлар базаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳудудлардаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари йил бошиданок кенг қўламли бошланган. Айниқса, аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш борасидаги ишлар одамларнинг эртанги кунга ишончини янада мустақамлаштириши. Масалан, Термиз шаҳри Аму соҳиллари маҳалласида яшовчи Муродали Дадабоевнинг паррандачилик лойиҳасини йўлга қўйганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай, соҳанинг сир-синоатини пухта ўрганган тадбиркор ҳар йили мўмай даромад олиши имконига эга бўлди. Ҳозир у фоз қўлайлаштиришга энг яхши ва мақбул усулдан кенг фойдаланяпти.

— Хитойдан келтирилган инкубатор ёрдамида бир ойда 170 дан ортиқ жўжа очирини имкониятга эгами. Жўжа очирини мавсуми февралнинг сўнги ўн кунлигидан августнинг бошигача давом этади. Бу битта фоз 50 дан зиёд тухум беришини ҳисобга олсак, 300 та годдан 16 мингдан ортиқ тухум олиш мумкинлигини аниқлади, — дейди Муродали Дадабоев. — Шундай қилиб, ҳар мавсумда мингдан ортиқ жўжа очирини режалаштиришимиз. Қолган тухумлар сотилади.

Тадбиркор маҳалладаги катта ўзгаришлардан руҳланиб, қаровсиз турган жойда паррандачиликка ихтисослашган корхона ва боғ барпо этиб, ишбилармонлигини ривожлантиришга интиляпти.

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасидаги лойиҳаларни зарур инфратузилма билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда давлат бюджетидан назарда тутилган маблағлар манзилли тарзда сарфланиши режалаштирилиб, бу борада ишлар изчил бажарилмоқда.

Жумладан, Ангор туманининг Марказ маҳалласини ишсизлик ва камбағалликдан холи, замонавий қиёфадаги ҳудудга айлантириш учун аҳолининг бандлика жалб этиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва турмуш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Маълумотларга кўра, маҳалладаги 515 хонадонда 3348 киши яшайди. Ҳудудда томоқдан самарали фойдаланиш орқали даромад манбалари кенгайтирилмоқда. Хусусан, томоққа эгаларидан Норкул Тошбоев 17 сотих ерда “аламино” нави помидор етиштириб келади. Мавсум давомида 3 кишини иш билан таъминлайди. Бу тажриба маҳаллаларда аҳолининг бандлика жалб қилиш ва даромадини оширишда самарали деб баҳоланмоқда.

Денов туманидаги Боғи Эрам маҳалласида жорий йилдан “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари татбиқ этилади. Шу доирада кенг қўламли ижтимоий ва инфратузилма тадбирлари ўтказилди. Мақсад — маҳаллани ишсизлик, камбағаллик, миграция ва жиноятчиликдан холи, барқарор ривожланган, аҳоли учун қўлай ва замонавий муҳитга эга ҳудудга айлантириш.

Олтинсой туманида ҳам маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда. Хусусан, Янги қурилиш маҳалласида яроқсиз симёғочлар 335 та янги устунга алмаштирилди, 4 та трансформатор ўрнатилди. Ички қўчаларни модернизация қилиш ишлари ҳам фаол давом эттирилмоқда: 3,5 километр ички кўча асфальтланди. Йил якунигача эса яна 13,5 километр йўл ётқизилиши режалаштирилган.

Қизилқум тумани марказидан олдига жойлашган Кунчиқши маҳалласида ҳам ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар бошлаб юборилди. Манзил инфратузилмасини яхшилаш, йўл ва коммуникация тармоқларини янгиллаш, ободонлаштириш ва кўкчаларнинг қўллаб-қувватлаш, муаммоларни жойида ҳал этиш, бандликни таъминлаш ва бунёдкорлик ишлари бажарилаётган муҳим манзилга айланмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда инсон қадрини улуглашга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасидир.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАМАДДУН



тафаккури

Бу маскан билан танишган ҳар бир одам, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ислом динининг гуманистик моҳиятини англаб етади, ўзининг қандай улуг мерос эгаси эканини ҳис этиб, қалби ғурур ва ифтихорга тўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Улуғ мерос ғурури

ИЛМ-МАЪРИФАТ ЯДРОСИ

Президентимизнинг мегалойиҳаларидан бири — тўққиз йиллик меҳнат ва изланишлар самараси бўлган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази очилди. Мухташам мажмуани келиб кўраётган юртдошларимиз қувончи ва ифтихорини яшира олмаяпти. Айниқса, узоқ-яқиндан келган сайёҳларнинг кўзидаги ҳайрат ва эътирофлар ана шу туйғуни чандон оширяпти. Жамият бирдамлигида эса умумий ифтихор туйғуси ҳал қилувчи кучга эга. Зеро, у тарихий бирдамликни эслатиб, умумий келажакка катта ишонч беради. Шу маънода, Ислам цивилизацияси маркази ўзининг бирламчи вазифасини бажариб, жамиятимизда бирдамлик руҳини янада кучайтирди.

Мегалойиҳадан қўзланган яна бир мақсад аجدодларимиз тараннум этган маърифатни дунёга танитиш эди. Айни пайтда уларга муносиб авлод бўлиб, илм-маърифатда етакчилик қилишга интилимиз зарур. Бунинг учун ёшларни шу руҳда камол топтириш, Ислам цивилизацияси марказининг имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишимиз керак. Унинг илмий базаси билан бир пайтда ҳар бир чизиги, нақши, музейдаги экспонатнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва халқимизга етказиб беришимиз лозим.

Давоми 5-бетда

Минбар

МУАЗЗАМ КОШОНА



Тошкент шаҳрида Ислам цивилизацияси марказининг очилиши халқимиз маданий ҳаётидаги катта воқеа бўлди. Бу маҳобатли иморат икки-уч йилда қуриб битказилиши мумкин эди, ammo давлатимиз раҳбарининг шошилмасдан, ҳар томонлама илмий ёндашув асосида бунёд этиш бўйича топшириғи аждодларимиз қолдирган кўп асрлик илмий-адабий мероснинг тарқалиш географиясини ўрганиш, моддий-маънавий маданиятимиз намуналарини йиғиш ва тизимлаштириш каби юзлаб илмий лойиҳаларни амалга ошириш имконини берди.

Бундай мажмуа, музей-кутубхоналар жуда кўп мамлакатда бор. Ҳар бир иншоотнинг архитектуравий ечими ўзига хос. Ғоянинг аҳамияти номи ва сарфланган маблағ билан белгиланмайди, мазмунига қараб баҳоланади. Мажмуанинг Ислам цивилизацияси маркази деб аталишининг сабаби тарихий хотирамиз билан боғлиқ. Биз боболардан “Ислам дини Арабистон ярим оролида пайдо бўлди, ammo унинг илм-фани Мовароуннаҳрда юксалди” деган гапни кўп эшитганмиз, лекин унинг ҳақиқат эканини мустақилликка эришгандан сўнг англадик.

Давоми 4-бетда

Жаҳон матбуотида

ИЛМИЙ МУЛОҚОТ ВА ҲАМКОРЛИК УЧУН ЗАМОНАВИЙ МАЙДОН

Жаҳоннинг етакчи халқаро оммавий ахборот воситалари — “CNN”, “Forbes”, “The Wall Street Journal”, “The Economist”, “Arab News” ва “China Daily” каби нашрлар ушбу лойиҳани “глобал микёсдаги мегалойиҳа”, “Марказий Осиёнинг дурдонаси” ҳамда “ислом цивилизациясига замонавий қарашни шакллантирадиган макон” сифатида баҳолади.

Ўзбекистонда Ислам цивилизацияси марказининг очилиши халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Жаҳон ОАВ диққати унга қаратилди. Марказ эшиклари очилган дастлабки кунларда у ҳақдаги материаллар 20 дан ортқ давлатда ва 7 (инглиз, араб, испан, хитой, ҳинд, турк ва рус) тилда чоп этилди. Нашрларнинг умумий аудиторияси 1,5 миллиарддан ортқ кишини қамраб олади. Материаллар халқаро журналистлар, таҳлилчилар ва экспертлар томонидан тайёрланган бўлиб, бу лойиҳага нисбатан глобал профессионал ҳамжамиятнинг қизиқиши юқорилигини кўрсатади.



Халқаро ОАВ ушбу воқеанинг рамзий аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, “Arab News” нашрининг таъкидича, “Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан барпо этилган марказнинг очилиш маросими муқаддас Рамазон ойига тўғри келгани, худди саккиз йил аввал биринчи тамал тоши қўйилгани каби унга алоҳида тарихий-руҳий изчиллик бағишлайди”. “Khaleej Times” эса марказни “илгор технологиялар ва замонавий илмий ёндашувлар уйғунлашган ноёб макон” сифатида таърифлайди.

Давоми 6-бетда

The Pearl of Central Asia: Opening of the Islamic Civilization Center in Tashkent



МУАЗЗАМ КОШОНА

Бошланиши 3-бетда

Юртимиздан чиққан Муҳаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний ва Абу Наср Форобий каби мутафаккир олимларнинг тадқиқотлари ислом бағрида туриб дунёвий фанларни ривожлантирди. Улар турли соҳалардаги кашфиёти билан жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирди. Имом Бухорий, Қафқол Шоший, Бурхониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотуридий каби зотлар ислом нақлий фанлари, ислом қонунчилиги, ислом теологияси каби илмлар тараққиётига бемисл ҳисса қўшди. Улар тақдир тақозосига кўра араб тилида ёзди, дунё уларни араб олими сифатида қабул қилди. Улардан кейинги даврларда яшаб ўтган қанчадан-қанча мутафаккир аждодларимиз араб тили билан бирга форс тилида ижод этди. Вақт ўтиб, туркий тилда ҳам ижод қилиш даври бошланди. Бутун дунё уларни эътироф этиб келди, фақат биз бебахар эдик.

Қарийб 70 йил давомида коммунистик мафкура цензураси тарихимизни холис ўрганишга йўл қўймади, муайян мақсадлар билан тарихимиз сохташтилган ҳолда онгимизга сингдирилди. Натичада бутун бир авлод ўз халқига тегишли буюк илмий-адабий меросдан бебахар ва бебаҳра улгайди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу соҳада катта илмий изланишлар қилинди. Юзлаб олимлар ва шоиру санъаткорларнинг илмий-адабий мероси аниқланди. Айниқса, 2017 йилдан бошлаб Президентимизнинг фармон ва қарорлари асосида дунёга сочилиб кетган кўлэма асарларни излаб топиш, унутилган халқ амалии санъатини тиклаш, анъана ва қадриятларимизга янги ҳаёт бағишлаш ишлари бошланди.

Давлатимиз раҳбари Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ташаббусини илгари сурди. Тарихий хотирани тиклаш, ёш авлодни миллий қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ва Учинчи Ренессанс учун зарур интеллектуал муҳит яратиш каби уч долзарб масала давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Халқимиз яратган улкан илмий-маданий меросга алоқадор минглаб ноёб ашёлар саккиз йил мобайнида йиғилди, юртимиздан чиққан юзлаб олимлар, шоирлар, санъаткорларнинг ҳаёти ва фаолияти бўйича маълумотлар тўланди.

Биргина Мисрнинг Александрия кутубхонасида сақланган қадимий кўлэма асарлар асосида тайёрланган “Марказий Осиё олимлари энциклопедияси”да VIII асрдан XIX асргача Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, турли араб ўлкаларида илм билан шуғулланган 2700 олим ҳақида қисқача маълумот берилган.



Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик

2016 йили Самарқандда нашр этилган “Ўрта аср Шарқ аломалари ва мутафаккирларнинг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси”да Ўзбекистон ҳудудида туғилган 600 дан зиёд дин олимга доир қисқа маълумотлар берилган. Шунингдек, фалсафа, адабиёт, санъат соҳасида номи ва асарлари аниқланган бўлса-да, шахси бўйича чуқур тадқиқот ўтказилмаган юзлаб олим ва ижодкорлар яшаб ўтгани аниқланди.

Бутун уларнинг қайси тилда асар ёзганига қараб, миллатини аниқлашга уриниш тарихини

“Биргина Мисрнинг Александрия кутубхонасида сақланган қадимий кўлэма асарлар асосида тайёрланган “Марказий Осиё олимлари энциклопедияси”да VIII асрдан XIX асргача Ўзбекистон ҳудудида туғилиб, турли араб ўлкаларида илм билан шуғулланган 2700 олим ҳақида қисқача маълумот берилган.”

билмасликдан бошқа нарса эмас. У даврларда ислом динига эътиқод қилувчи барча халқ бир миллатга — ислом миллатига мансуб деб ҳисобланган. Умуман олганда, VIII асрдан XX асргача Марказий Осиё халқлари шу қадар аралашиб кетганки, бутун уларнинг миллати борасида баҳс юритиш фойдасиз. Бир ҳақиқатни билишимиз керак: аждодларимиз қаерда яшамасин, умри қаерда яқун топмасин, туғилган жойини, Ватанини қайд этиб, номига қўшиб (нисба) ёзган. Шундан биз Имом Бухорийнинг Бухородан, Мотуридийнинг Самарқанднинг Мотурид қишлоғидан эканини англаймиз. Шундай экан, биз — қадим Мовароуннахрнинг бугунги ворислари улуг боболаримиз билан фахрланишга, гурурланишга тўла маънавий ҳақимиз.

Халқимиз кўп асрлик тараққиёти жараёнида уч тилли халқ бўлиб шаклланган. Илмий асарлар араб тилида, поэзия форс ва

туркий тилда битилган. Бу анъана XX асргача сўнгани йўқ. Бундай улкан маънавий меросни юзага чиқариш бўйича ҳар томонлама чуқур тадқиқот ўтказиш марказ зиммасига юклаган. Аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ўтмиш мутафаккирларимиз, буюк боболаримизнинг ҳаёти ва фаолияти намуна бўлиш нуқтани назардан катта маърифий аҳамиятга эга.

Ислом цивилизацияси маркази, айримлар тахмин қилганидек, диний марказ эмас. Ислом цивилизацияси номи остида юртимиз исломлаштирилган VIII асрдан бошлаб халқимизнинг бугунгача давом этиб келаётган маданий ва маънавий тараққиёти назарда тутилган. Қисқаси, бу марказ халқимизнинг кўп асрлик маданияти, илм-фани, адабиёти ва санъатини намойиш этувчи ўзига хос тарбиявий-маърифий мажмуа ва тадқиқот марказидир.



Дилдаги гаплар

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази мамлакатлар, инсоният тинчлик, ҳамжиҳатлик, бағрикенгликни мустақамлашга катта эҳтиёс сезаётган шу кунларда ўзига хос маърифат машғули вазифасини бажара бошлади. Кўплаб юртдошларимиз, хоризмлик сайёҳлар муҳташам мажмуага бориб, ундаги маърифат, маънавият, маданиятдан баҳраманд бўлиб келмоқда. Зияратчиларнинг қўлидаги ҳайрат, сўзидаги ҳаяжон, мамнуният бизни уларнинг фикрига қулоқ тутишга ундади.

МИНГ МАРТА ЭШИТГАНДАН, БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ

Ҳабиб АБДИЕВ,
Мақтабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори:

— Ислом цивилизацияси марказига кирган заҳоти инсон гўё вақт чегараларидан чиқиб, буюк тарих ва маънавият оламига кириб қолгандек бўлади. Бу оддий музей эмас, балки тарих, маънавият ва илмни бирлаштирувчи марказ бўлибди. Унинг биноси миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда барпо этилган.

Марказдаги замонавий технологиялар, айниқса, диққатга сазовор. Интерактив экранлар, мультимедияли воситалар орқали маълумотлар жонли ва тушунарли тақдим этилган. Бу ёш авлод учун билимини осон ва қизиқarli қабул қилиш имконини беради. Хар бир бино, ҳар бир зал ва ҳар бир экспонат инсонни ўзлик ва маънавият ҳақида ўйлашга чорлайди.

Нодира САФАРОВА,
педагог:

— “Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал” деган нақл бор. Халқимизнинг уч минг йиллик тарихини жонли тарзда, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, пойдевори қўйилган Учинчи Ренессанс истиқболини ушбу манзилда ҳис этиш мумкин. Буларнинг барчасини санокли соатларда тўлиқ кў-

риб, англаш қийин. Шу маънода, бу ерга қайта-қайта келиш керак. Шундагина ҳар сафар янги маънолар уқиб, янги билимларни эгаллаётган экансиз. Ислом цивилизацияси маркази шунга тўлиқ муносиб. Талабаларимизни ҳам ушбу ажойиб мажмуага олиб келишни ният қилдим.

Икром СОБИРОВ,
тадбиркор (Тожикистон, Хўжанд шаҳри):

— Биринчи бор бу ерга келган кишини мажмуанинг улканлиги, шакл-шамойили, шарқона безакларию ранглари ҳайратга солади. Экспозициялар билан таниша бошлагач, мажмуа ҳам шаклан, ҳам мазмунан жуда мукамалликка интилиб барпо этилганга гувоҳ бўласиз. Қадимги кўлэмалар ҳам шунчаки ўша даврда битилган оддий китоб эмас, балки юксак ҳатотлик, китобат санъати намунаси. Шу билан бирга, диний, тарихий

ва илмий жиҳатдан ҳам катта қийматга эгаллигини тез англаб оласиз. Бу ердаги ҳар бир экспонат халқ эътиборига фойдали, манфаатли шаклда ҳавола этилган. Тарихга чуқур ҳурмат ифодаси ўлароқ, бу маскан жаҳон цивилизацияларини ўрганиш, тарғиб этишга ундайдиган мактабдир.

Рустам БОЙТЎРА
ёзиб олди.

ЭКСПОНАТЛАР БУЮК ЎТМИШ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

1. Қуръони карим залидаги гумбаз остида махсус маппинг шоу-голограмма ўрнатилган бўлиб, унда самодани юлдузлар намоен бўлади. Улар Тошкент осмонида тунда кўринадиган юлдузлар харитаси асосида акс эттирилган.
2. Шон-шароф залидаги ҳар бир равоқ остида махсус сенсорли экранлар ўрнатилган. Уларда буюк аждодларимизнинг сунъий интеллект ёрдамида яратилган сиймоси жойлаштирилган. Меҳмонлар уларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳикояларни 10 та тилда тинглаши мумкин.
3. “Иккинчи Ренессанс” экспозициясида Бибиҳонимнинг мумдан ясалган ҳайкали ҳам жойлаштирилган. Унинг буй-баста, бош кийими, либосларининг ранги, бичими айнан испан элчисини ва сайёҳи Руи Гонсалес де Клавихо тасвирлагандек ишланган.
4. Халқаро ЮНЕСКО ва ИКОМ ташкилотларининг талаблари ҳамда дунёнинг энг машҳур музейлари тажрибасига асосланган ҳолда марказ экспонатларининг 8 йўналишдаги этикетаж эталонлари ва таснифлари ишлаб чиқилди.
5. “Биринчи Ренессанс” экспозициясида сомониёлар мақбараси, Мағоки Атторий масжиди, Чашмаи Айюб ёдгорлиги, Қусамия мадрасаси сингари ёдгорликларнинг мукамал макети жойлаштирилган.
6. Ўтган йили Буюк Британиядаги “Sotheby’s”, “Christie’s” сингари аукцион уйлари, арт дилерлардан 700 дан ортиқ артефакт сотиб олинди. Шунингдек, турли муассасалар, ташкилотлар, ҳомийлар томонидан 1000 дан ортиқ артефакт ҳада қилинди.
7. Кутубхонада Европа нодир нашрлари мавжуд. Муслмон сулолалари, туркий халқларнинг тарихи, Шарқ халқларига оид энциклопедиялар ҳамда Хуросон ва Мовароуннахр ҳақидаги саёхатномаларнинг XX асргача булган даврда чоп қилинган нашрлари шулар жумласидан.
8. “Биринчи Ренессанс” экспозициясида шу пайтгача илмий мероси етарлича ўрганилмаган Қусам ибн Аббос, Абу Ҳафс Кабир каби улуғ шахслар ҳақидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилган.
9. Марказда Далварзинтепадан топилган шахмат доналари — дунёдаги энг қадимги топилмалар ҳам сақланади. Улар Ҳиндистондан топилган шахмат доналаридан 4 аср олдин ясалгани аниқланган.
10. Мажмуада 1589 йили хатот Султон Муҳаммад саккизбурчак шаклида кўчирган ва тумор сифатида ҳам ишлатган “Бозубанд” Қуръон кўлэмаси, XVII асрга мансуб, сафавийлар даври хатотлик ва китобат санъатининг етук босқичини акс эттирувчи жуда нафис безакли нусха, 1872 йили хатот Муҳаммад ибн Абдулҳодий мағрибий хат услубида кўчирган ноёб кўлэма, XII-XIII асрларда салжуқийлар даврида хатот Муҳаммад Содиқ ибн Муҳаммад Шофий насх хатида кўчирган ва сатрлар орасига форсий таржимаси берилган нодир нусхалар алоҳида қийматга эга кўлэмалар сирасига қиради.

ИЛМ-МАЪРИФАТ ЯДРОСИ

Марказий Осиёда ўхшаши йўқ ушбу кутубхона энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозир унинг фондида 45 минг 150 тадан зиёд адабиёт бор. Бу жуда катта илмий захира дегани.



Улуғ мерос ғурури

Бошланиши 3-бетда

Давлатимиз раҳбари марказни очиб бериш маросимидан бундай деди: “Бу улкан лойиҳа оддий бир чизма эмас. Уни юрак чизган, меҳр чизган, орзу ва армонлар чизган. Қуръони карим сақланган муқаддас зал ҳам шунчаки яратилган эмас. У юракдан тутилган, халқимизнинг орзу-интилоқлари ва буюклигини намойиш этиш истагидан пайдо бўлган маскандир. Бу лойиҳа буюк халқимизнинг асл қиёфасини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу ниятлар маъсулидир”.

Марказ имкониятлари, мазмун-моҳиятини унинг юраги дег аталган Қуръони карим зали мисолида тушунирсак, ушбу залда Усмон Мухсаффи муносиб ўрин эгаллади. Мазкур қўлёзма атрофида сомониёлар, қорахониёлар, хоразмиёлар, теурийлар ва бошқа тарихий сулолалар даврида битилган муқаддас китоб нусхалари ва уларнинг эски ўзбек ёзувидаги маънолар таржимаси қўйилган. Неча асрлар олдин кўчирилган ушбу китобларнинг ҳар бири қоғози, бўёғи, муқоваси билан ажралиб туради. Диримизда китобат санъати қанчалик юксалганидан далолат беради. Масалан, улар орасида олтин суви юритилган китоб ҳам бор. Бу ерда гап олтиннинг қийматига эмас! Балки ўша пайтда аниқ фанлар, хусусан, кимёнинг қанчалик ривож топгани ҳақида!

Уни тайёрлаш, зарҳал битикни яратиш юксак билим, сабр ва бардош талаб этади. Унинг асрлар давомида аслиятини йўқотмаслиги эса ажодларимиз ўз ишини қанчалик мухта

билганидан далолат. Шу мураккаб жараёни жамият ҳаётига ҳам ўхшатиш мумкин. Қоғоз ва олтинни бир-бирига жишлаштириш санъатини мамлакатимиз етакчисининг иқтисодий тараққиёт билан бирга маърифий юксалишини ҳам баробар олиб боришига ўхшатиш мумкин. Шу маънода, марказга кирганимизда унинг маърифатидан баҳра олишимиз табиий ва зарур. Бу инсон қалб кўзи очилишидан далолат. Айни пайтда бу маърифат қаердан, қандай қувват олгани ҳақида ҳам фикр юритишимиз лозим. Албатта, унинг замирида ажодларимиз закоси муржаасам. Шу билан бирга, аниқ ва иктомий фанларни ўзида жамлаган юксак интеллектдан куч олган. Буни диримизда ривож топган китобат санъати мисолида ҳам кўриш мумкин.

Марказнинг очилишида Президентимиз мамлакат энгиллари олдида яна бир муҳим вазифа, яъни мазкур марказни халқимизга, бутун дунёга таништириш, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш масаласини қўйди. Бу топшириқни ҳозирги кунимиз учун энг муҳим вазифа деб биланам. Масалан, касбимиз тақозоси тўғрисида малака оширишга келган имом-хатиблар билан бир неча бор марказга бордик. Улар марказдан жуда катта саъсурут олиб чиқди. Динимиз, тарихимизга кўрсатилган эҳтиромдан қалблар равшан торди. Давлатимиз раҳбарининг тарғибот масаласидаги қақиринидан сўнг ўйлаш бошладим: биз уларга Ислום цивилизацияси маркази моҳиятини тўлиқ тушунирдими? Бой тарихимизга оид экспонатларнинг қадр, зарҳал саҳифа яратишдаги машаққатли меҳнат ортидаги

Ҳусниддин АХМЕДОВ,
Дин ишлари бўйича қўмита хузуридаги Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти директори, сиёсий фанлар доктори, профессор

илм ва хунарни англаб, теран ҳис этишига оз бўлса ҳам замин ярато олдими? Назаримда марказга мана шундай саволлар билан қайта-қайта келиш, уни бор бўй-баста билан яна кўп марта ўрганиш зарур деб ҳисоблайман. Ана шу сабабдан ҳам институтимизнинг Ислום цивилизацияси маркази билан ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди ва унда бу борадаги барча зарур чора-тадбирлар белгиланди. Диний-маърифий соҳада малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича институтимиздаги ўқувларга жалб қилинадиган тингловчилар учун баъзи дарс машғулотларини бевосита Ислום цивилизацияси марказида ташкил қилиш ҳам ана шу соҳадаги интилоқларимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

Бугун ёшларимиз орасида ўқиб-ўрганишга иштиёқ ниҳоятда кучли. Буни халқро даражада ютуқлар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Ана шу рағбатни янада жонлантириш, уни маърифат, ватанпарварлик руҳи билан кучайтиришда марказнинг ўрни ва аҳамияти

катта. Содда қилиб айтганда, марказ Учинчи Уйғониш даврининг пойдеворидир. Ҳа, Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази фақат халқимиз буюклигининг тимсолигина эмас, балки у дунё илм-маърифати ядросидир.

Гап билим олиш ҳақида кетар экан, марказнинг кутубхонаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Марказий Осиёда ўхшаши йўқ ушбу кутубхона энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ҳозир унинг фондида 45 минг 150 тадан зиёд адабиёт бор. Бу жуда катта илмий захира дегани. Айниқса, китобларнинг 2609 таси нодир манбалардан иборат экани зиё масканининг илмий қийматини янада оширади. Бундан ташқари, кутубхонада 350 мингта электрон адабиёт ҳам бор. Улардан фойдаланиш учун эса ниҳоятда замонавий ва қулай муҳит яратилган. Буни кутубхонанинг бир вақтинчи ўзида 310 фойдаланувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга экани ҳам тасдиқлайди. Умуман, марказ кутубхонасида илм кишилари учун барча зарур шароит бор. Масалан, олимлар ва профессорлар учун алоҳида 4 та хона ташкил қилинган. Уларда илмий фаолият билан шуғулланиш учун барча замонавий техника ва қулайликлар мавжуд.

Кутубхонадан Европа нодир нашрлари ҳам ўрин олган. Уларда ҳам тарихимиз акс этган. Хусусан, туркий халқлар тарихи, Шарқ халқларига оид энциклопедиялар, Хуросон ва Мовароуннаҳрга бағишланган саёхатнома-ларнинг XX асргача бўлган даврда чоп этилган нусхалари бор. Шунингдек, Носирдин Рабғузийнинг “Қисасул анбиё” асар, Алишер Навоийнинг XIX аср бошларида Тошкентда кўчирилган девонлари, Мавлоно Жалолиддин Румий асарларининг туркий тилдаги таржималари каби нодир нашрлар ҳам бор. Аҳамиятлиси, ушбу қўлёзмалар шахсий коллекциялардан харид қилинган.

Шахсий коллекциядаги нодир асарларни харид қилиш айтишгагина осон. Бунинг нечоғлиқ машаққатли меҳнат ва изланиш, меҳр ва эътибор талаб этишини шу соҳага озгина бўлса ҳам қизиққанлар яхши англайди. Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимизда илм-маърифатга эътибор тўғрисида марказ нодир манбалар билан бойиб бормоқда. Бундан фарқлини, қувониб ва унинг аҳамиятини барчага етказиш — бирламчи вазифамиз. Аммо ушбу имкониятлардан кенг фойдаланиш яна бир муҳим миссиямиз. Бу манбаларни ўқиб-ўрганиш, тадқиқ этишда имкониятларга муносиб ҳаракат қилишимиз зарур.

Айтилганидек, ушбу мегалойдга узокни қўлаб, аниқ режа асосида бўлиб этилди. Тарҳини чизишдан тортиб, ҳар бир экспонат, безагича бўлган барча жараёнда миллий ўзлигимиз асосида замонавий ва бетакрор архитектурага эътибор берилган. Марказ атрофида ҳам чинакам миллий руҳ ва миллий қиёфадаги шарқона шахарча барпо этилди.

Мажмуада юртимизнинг уч минг йиллик тарихидан сўзлайдиган цивилизация дурдоналарини ва янги Ўзбекистоннинг сўнмас қудратга айлиниб бораётган бутун ва эртасини кўриш, ҳис қилиш мумкин. Бу халқимизнинг интеллектуал ва маданий салоҳиятини яққол англаш имконияти демек. Мамлакатимиз етакчиси ана шундай кенг қўламли аҳамиятга эга мегалойдга асос солди. Бизнинг галдаги вазифамиз эса шунга муносиб бўлиш, ёшларга ушбу марказ тимсолида замонавий илм-фан асосидаги маърифатни етказиб беришдир.



Мита ТАНЖУНГ,
Индонезия мусулмон ҳаж ташкилотчилари ассоциацияси раиси

Ўзбекистон цивилизацияси, тарихи, маҳаллий донишмандлик ва маънавиятнинг бутун жозибасини ўзида жамлаган маскан. Ҳар бир бўлимдаги экспонатлар жуда қимматли.

Марказдаги барча гўзаллик, ажойиб маълумотлар, тарихий бойликларни кўриш мен учун катта бахт. Ўзбекистонда қадимдан то ҳозиргача бўлган бутун цивилизация муржаасам экан.

Визуал зал ва айниқса, Каъба кивсаси намойиш этилган бўлим менда жуда катта таассурот қолдирди. Бу жой Индонезия мусулмон сайёҳлари учун ҳам жуда муҳим. Келгусида биз Ўзбекистоннинг буюк цивилизацияси, тарихи ва маданиятини янада кўп одамлар келиб кўришига ҳисса қўшамиз.

Муҳаммад ГАЗАЛИ,
Индонезия умра ва ҳаж сайёҳлик агентликлари ассоциациясининг минтақалар раиси

Бу марказ ниҳоятда чиройли, қадимги цивилизация мероси замонавий ва илғор технологиялар билан уйғунлаштирилган жуда ҳайратланарли. Бу ерда кирганимизда гўё уша даврнинг ўзида юргандек, тарих саҳифалари орасида сайр қилаётгандек бўласиз.

Марказ музейида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳамда янги Ўзбекистон даври руҳияти жонланган. Менимча, бу жуда қизиқарили ва ўзига хос тажриба. Шу сабабли Индонезиядаги биродарларимни ҳам бу масканга келиб, тош даврдан тортиб, ислום динининг кириб келишигача бўлган цивилизация тараққиётини ўз кўзи билан кўришига чорлайман.

Таҳир ФАРООҚ,
“Daily Ittehad” медиа гуруҳи бош муҳаррири

Ўзбекистон ўз тарихини нафақат сақлаб қолган, балки уни янги авлод учун энг замонавий услубда жонлантириб бера оляпти.

Ҳар бир залда илм бор, ҳар бир экспозиция ўтмишининг янги саҳифасини очди. Сунъий интеллект ва мультимедиа технологияларнинг бундай уйғунлиги тарихни янада чуқур англашга ёрдам беради.

Қуръон залидаги ноёб қўлёзмалар, буюк алломалар мероси, марказ концепциясининг изчил илмий асослангани ва маърифий руҳини алоҳида эътироф этиш лозим. Ислום цивилизацияси маркази “тарихни жонлантирган, илм ва технологияни уйғунлаштирган ноёб ҳазина” бўлиб, уни дунё миқёсида кенг тарғиб қилиш зарур.

Гулнара ЖАМАНКУЛОВА,
Қирғиз-славян рус университетети профессори

Ислום цивилизацияси маркази ўзининг улуғворлиги, меъморий қўлами билан ниҳоятда катта ҳайрат уйғотади. Бу — бетакрор меъморий ёдгорлик. Жуда гўзал бу марказни барпо этишда ўз ҳиссасини қўшган минглаб инсонларнинг меҳнати яққол сезилиб туради.

Марказ ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли даражада бунёд этилган. Албатта, марказнинг энг асосий дурдонаси бу — ноёб Қуръон қўлёзмаси бўлиб, жуда улугвор, ниҳоятда қимматбаҳо манба. Ислום ғоясининг тарғиб қилинаётганининг ўзи жуда қувонарли. Чунки у бағрикенг, тинчликпарвар дин бўлиб, барча халқлар ўртасида тинчлик ва ўзаро ҳамкорликка даъват этади. Айниқса, аввало, ислום миллатлари ўртасидаги бирликни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон жуда улкан ишни удралади. Ўзбекистон Президентининг бундай марказ барпо этиш ташаббуси — беназир ва улғ бир ғоя. Ушбу марказ ислום етакчилари, ислוםга эътиқод қилувчи ва ҳатто ислוםга эътиқод қилмайдиган, аммо унга қизиқадиган инсонлар учрашадиган масканга айланади деб ўйлайман.

Муҳаммад бин СУЛАЙМ,
Халқро автомобиль федерацияси (FIA) президенти

Ўзбекистон ҳукумати ва шахсан Президентига бу марказни ўз кўзимиз билан кўриш имконини бергани учун чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Бу ерда илгари билмаган қўлаб маълумотларни кўрдим. Менимча, марказ Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси. Бу юрт дунёга ёйган илмий мерос ҳақида кўпчилик ҳали ҳам етарлича хабардор эмас. Қуръонга бағишланган залда асл қўлёзмаларни кўрганим, йўқолган еки турли йўллар билан бошқа мамлакатларга ўтиб кетган нодир манбаларни қайта жамлаш бўйича Президентнинг шахсий ташаббуси ҳақида эшитганим мени чуқур ҳаяжонга солди.

Билжана МИЛОСЕВИЧ,
Халқро Қизил Ярим ой жамиятининг Марказий Осиё бўйича минтақавий делегацияси раҳбари

Чин дилдан айтишимиз керак — мен бу ерда кўрганларимдан ҳайратданман.


Экспозициялар нафақат илмий асосланган, балки жуда замонавий ва тасвирли тарзда ясалган. Интерактив бўлимлар орқали тарихнинг ичига киргандек бўласиз.

Энг муҳими, бу маскан инсоният меросининг қадрини юксалтирувчи, тинчлик ва

МАРКАЗ КУТУБХОНАСИДАН КИТОБЛАРИМИЗ ЎРИН ОЛДИ

Фахр

Кунни кеча “Эски шахарда Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази бунёд этиларкан”, деб эшитгандек эдик. Ушанга ҳам 8 йил бўлибди. Бу йиллар давомида ҳар жиҳатдан улкан лойиҳани амалга ошириш, албатта, осон кечмагани аниқ. Ўтган вақт давомида Президентимиз ўн бир маротаба, ўтган йилнинг ўзида беш маротаба марказда бўлиб, тасвия ва маслаҳатларини бергани ҳам фикримиз исботидир.



хонанинг китоб фондидан 100 минг қўлёзма ва тошбосма, 350 минг замонавий нашр жой олади. Кутубхонанинг электрон фонди 5 миллион ресурстга мўлжалланган.

Кишини мамнун этадиган яна бир муҳим жиҳат шуки, ёш фарзандли тадқиқотчилар учун алоҳида болалар хонаси, имконияти чекланганлар учун махсус шароит яратилган. Болалар хонасидаги жиҳозлар, махсус адабиётлар, турли ўйинлар жажжи ўғил-қизларимизни ҳаракатланиш, фикр юритишга ундайди.

Ислום цивилизацияси маркази билан танишиш асносида хоҳловчилар кутубхонага китоб тақдим этиши мумкин еки мумкин эмаслиги ҳақида ҳам сўрадик. Ижобий жавобдан руҳланиб, “Тонг юлдузи” кутубхонаси” туркумида чоп этилган “Тонг юлдузи” ёритган олам”

миллий руҳ ва миллий қиёфага эга бўлган шарқона шахарча барпо этилди”.

Бундай марказнинг барпо этилишидан асосий мақсад халқимизнинг уч минг йиллик тарихи, бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси, буюк ажодларимизнинг маданий-маърифий меросини ўрганиш ва омаллаштиришдан иборат.

Ўзим икки маротаба ушбу мухташам масканда бўлдим. Икки сафар ҳам қалбим гурур ва ифтихорга тўлди. Чиндан ҳам муқаддас динимиз эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишини юрак-юракдан ҳис қилдим. Шу табарук юрт фарзанди эканимдан яна бир бор фахр туйдим.

Марказнинг асосий қисмида Қуръони карим зали жойлашган. Бу ерда мусулмон дунёсининг маънавий дурдонаси бўлиши, VII асрда қўлда кўчирилган Усмон Мухсаффи жойлаштирилган. Еки уч минг йиллик тарихга эга бугу ҳайкалчасини олайлик. Бугу туркий халқлар учун азалдан авлодлар давомилиги рамзи бўлган. Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарига ҳам Она бугу образига алоҳида эътибор қаратилган.

Марказдаги мухташам кутубхона кишини тўлқинлантириши шубҳасиз. Маълумотларга кўра, инновацион кутубхона бир вақтинги ўзида 310 кишига хизмат кўрсатади. Кутуб-



Феруза ОДИЛОВА,
“Тонг юлдузи” газетаси бош муҳаррири, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиб

Давлатимиз раҳбари айтганидек, “Етти эмас, етмиш марта ўйлаб, узокни қўлаб, тинимсиз изландик. Ниҳоят қадимдан Тошкент азинининг маънавий маркази бўлиб келган Ҳазрати Имом мажмуаси ёнида, кўриб турганингиздек, бетакрор архитектурага, чинакам

Давлат халқ учун

Нуқтаи назар

Ўзбекистон Конституциясида: “Хар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқиши шарт”, деб белгилаб қўйилган.

ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ, САМАРАЛИ ЕЧИМ

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА



Абдуманноб РАҲИМОВ, Конституциявий суд судьяси, юридик фанлар доктори

Келиб тушгани ва улардан 59 фоизга ижобий ечим топилиб, яна 41 фоизи ўрганилиши, ўша вақтлардаги ислохотларга қарамай, бир қанча жиддий муаммолар борлигидан далolat эди. Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 24 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузасида таъкидлаганидек, бу мурожаатлар таҳлилидан кўп нарса аён бўлди. Таъбир жоиз бўлса, улар ҳаётимиздаги мавжуд ўткир муаммоларни очиб берди.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак деган машҳур ибора айнан ўша вақтда илгари сурилгани ҳам бежиз эмас. Йиллар давомида тўпланиб қолган ва ечимини кутаётган масалаларга жиддий эътибор қаратиш учун 2017 йил юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди. Бундан мақсад давлат идораларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларида ёндашуви тубдан қайта қуриш, аҳоли билан доимий мулоқотда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қилишининг янги механизми ва самарали усулларини жорий этиш эди.

2017 йилдан буён барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилгани давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ деган конституциявий нормани амалиётга жорий қилиш йўлидаги улкан қадам бўлди. Албатта, бунда мамлакатимиз етакчисининг қатъий сиёсати ва халқни рози қилиш йўлидаги шахсий ташаббуси муҳим аҳамият касб этди.

Демак, мурожаатлар фуқароларнинг шунчаки сиёсий ҳуқуқи эмас. Хар бир мурожаат ортда инсон тақдирини турсин.

Кўпчилигимизнинг ушбу конституциявий нормадан хабаримиз бор. Лекин Президентимиз яқинда бўлиб ўтган йилги таъкидлаганидек, биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйди. Уларнинг ичига кириб, очик ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди.

Сўнгги йилларда, аниқроғи, янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсати илгари сурилган илк даврда халқ билан мулоқот инсон манфаатларини хар томонлама таъминлашнинг бош мезони этиб белгиланган эди.

Мамлакатимиз етакчисининг халқ билан мулоқот сиёсатини давлат даражасига олиб чиқиши шунчаки мавсумий таъбир эмас, бунинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаби бор эди. Эсингизда бўлса, бундан 10 йил муқаддам, 2016 йил сентябрда интернет тармоғида Бош вазирнинг электрон қабулхонаси ташкил этилган эди. Ушбу қабулхонага қисқа даврда аҳолидан 218 мингдан ортиқ мурожаат



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар учун кенг шароитлар яратиш, уларнинг билим ва салоҳиятини рўйбага чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Таълим олиш, касб эгаллаш ва ўз ғояларини амалга ошириш учун яратилган имкониятлар инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бундай ёндашув жамиятнинг ички ресурсларини сафарбар этиб, инновацион фикр ва ташаббусларни рағбатлантиришда, иқтисодий фаолликни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Шу мақсадда ёшлар билан тизимли ишлаш ва уларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича амалий механизмлар изчил кенгайтирилмоқда. Молиявий кўмак, тажриба алмашиш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш дастурлари орқали ёшлар мустақил иқтисодий субъект сифатида шаклланимоқда.

Утган йили ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш бўйича муҳим ишлар қилинди. Жумладан, банклар ва Ёшлар ишлари агентлиги орқали 400 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди. “Ёшлар бизнеси” ва “Келажакка қадам” дастурлари доирасидаги чора-тадбирлар ҳам самарасини кўрсатди. Бу дастурлар ҳисобига 15 минг ёш тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, шу орқали 50 мингга яқин янги иш ўрни яратилди. Бу кўрсаткич ёшлар бандлигини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Жорий йил февраль ойида давлатимиз раҳбарининг ёшлар билан мулоқотида уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўшимча имкониятлар ҳақида ҳам сўз борди. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қўшимча 200 миллион



Камолот пиллапояси

ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИ Қўллаб-қувватлаш — долзарб масала

КАМИДА 5 НАФАР БИТИРУВЧИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНАДА КАТТАРОҚ Қўллаб-қувватлаш чоралари кўзда тутилган бўлиб, уларга 10 МИЛЛИАРД Сўмгача КРЕДИТ АЖРАТИЛИШИ БЕЛГИЛАНГАН. БУ Ёшларни ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИККА ЖАЛБ ЭТИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

доллар ажратилиши белгиланди. Шу асосда молиялаштириш ҳажми оширилиб, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун кредит мўъжиди 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача етказилди.

Шунингдек, инновацион стартап лойиҳаларга 100 минг долларгача инвестиция киритишга руҳсат берилди. Бу янги ғояларни қўллаб-қувватлаш ва рақобатбардор бизнес муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда.



Сервис ва умумий овқатланиш соҳасида катта тажрибага эга, мингдан ортиқ иш ўрни яратган маҳаллий брендлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгаймоқда. Энди франшиза асосида ўз бизнесини йўлга қўйишни истаган ёшлар учун махсус, қулай ва манфаатли молиялаштириш пакетлари жорий этилади. Бу ёшларга тайёр бизнес моделлар асосида фаолият юритиш, бошқарув ва маркетинг

кўникмаларини амалда ўзлаштириш имконини беради. Жорий йилдан бошлаб “Келажак тадбиркори” дастури доирасида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган янги механизмлар жорий этилмоқда. Мазкур дастур орқали ёшларнинг бизнес ташаббусларини рағбатлантириш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

ЮКСАК БАШАРИЙ ҒОЯ Йўлидаги ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ



Кейинги йилларда юртимизда аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тизими сезиларли даражада ривожланди. Бу жараённинг асосий мақсади оилавий зўравонлик, камситиш, меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлар бузилишининг олдини олиш, шунингдек, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашдан иборат. Янги босқичда тизим самарадорлигини ошириш учун қонунчилик, ижтимоий дастурлар ва профилактика механизмлари интеграция қилинмоқда.



Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Хусусан, жорий йил 3 март кунини давлатимиз раҳбарининг “Аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тизимини яратилиши кўзда тутилмоқда. Ташкилий ҳамда профилактик чоралар орқали профилактика инспекторлари ва ижтимоий хизматлар фаолиятини кенгайтириш, маҳалларда, таълим муассасаларида ижтимоий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда зўравонлик қурбонларига психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам

Жиноят ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатларини тизимли таҳлил қилиш ва мониторинг тизимини яратиш кўзда тутилмоқда. Ташкилий ҳамда профилактик чоралар орқали профилактика инспекторлари ва ижтимоий хизматлар фаолиятини кенгайтириш, маҳалларда, таълим муассасаларида ижтимоий-маърифий тадбирлар ўтказиш ҳамда зўравонлик қурбонларига психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдам



қўратиш тизимини такомиллаштириш шулар жумласидан.

Шу билан бирга, маҳаллалар, жамоатчиликни жалб қилган ҳолда хар бир маҳалла ва мактабда жамоатчилик кузатув гуруҳларини шакллантириш, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари орқали маърифий-хушёрлик кампаниялари ўтказиш ҳамда волонтер ва ННТлар иштирокида жамиятда зўравонликка қарши маданиятни ривожлантириш масаласи кун тартибидан ўрин олган.

Эндиликда аёллар ва болаларга нисбатан таълим ва зўравонлик ҳолатларига қарши курашишнинг аниқ механизмлари, амалий чоралари белгиланди. Жумладан, 2026 йил 1 апрелдан бошлаб ҳимоя ордери берилган жабрланувчи хотин-қизларнинг алоқа воситалари, яъни телефон, планшет ва бошқа қурилмаларига Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг таълим ва зўравонлик ҳолатлари тўғрисида зудлик билан хабар бериш имконини берувчи “SOS” қақирув) “my.lhpa.uz” мобил иловаси уларнинг розилиги билан ўрнатилди.

Фармоннинг ижтимоий аҳамиятли жиҳатларидан бири ҳомилдор талаба-қизлар ва ёш оналар учун таълимни давом эттириш имкониятлари кенгайтирилишидир. Энди курсдан қолган талабаларга ўқини тиклаш имкони берилди, масофавий таълим шакли кенгайтирилди ҳамда академик таътил даврида ҳам ўқини онлайн давом эттиришга шароит яратилди. Бу эса аёл-қизларимизнинг таълим олиш ва касб эгаллаш ҳуқуқи устувор эканини аниқлатади.

Янги босқичда аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш тизими нафақат қонунчиликни мустаҳкамлашга, балки ижтимоий, психологик ва молиявий қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштиришга қаратилган. Бу, ўз навбатида, жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, оилавий зўравонлик ва камситиш ҳолатларини камайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, ушбу янги тизим профилактик ёндашув, замонавий мониторинг ва самарали ёрдам механизмлари орқали халқро стандартларга мослашиш, шунинг воситасида “инсон қадри учун” деган юксак башарий ғоя йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Европа тикланиши ва тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Ушбу ҳамкорлик молиявий ресурслар билан бирга замонавий билим ва тажрибани ҳам жалб этишга хизмат қилмоқда.

Кредит шартлари тадбиркорликни барқарор ривожлантиришга қаратилган бўлиб, 28 миллиард сўмгача маблағ, 84 ойгача муддат ва 24 ойлик имтиёзли давр белгиланган. Бу лойиҳаларни босқичма-босқич ривожлантириш имконини беради.

Улистон шаҳрида ёш тадбиркор Бекзод Раҳмоқулов томонидан хусусий мактаб ва мактабгача таълим муассасаси ташкил этилгани юқоридаги сўзларга амалий мисолдир. — Устозим билан ҳамкорликда хусусий таълим муассасаси очдик. Лойиҳа учун банкдан 4 миллиард сўм кредит олдик, — дейди тадбиркор. — Мактабимиз 800 ўқувнига мўлжалланган бўлиб, ҳозирда 600 дан зиёд бола тахсил олмақда. Ҳуқуқ жараёни Президент мактаблари ва халқро олимпиадалар талаблари асосида ташкил қилинган. 2025 йилда Президент мактабига қабул қилинган 27 ўқувчининг 24 нафари муассасамиз битирувчиси ҳисобланади. Шунингдек, “American Kindergarten” номи богчамида таълим муҳити тўлиқ инглиз тилида йўлга қўйилган бўлиб, тарбиячилар халқро сертификатларга эга мутахассислардан иборат.

Молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида кредит фойз ставкалари ҳам мувозанатли белгиланган: давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан йиллик 18 фойз, халқро молия институтлари маблағлари ҳисобидан эса 23,5 фойз.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсудли чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сардор ТОЛИБОВЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



27 март — дунё мамлакатлари театр санъати ходимлари ўз касб байрамини нишонлайдиган сана. 1961 йили ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро театр институти IX конгрессида таъсис этилган байрам нафақат сахна усталари, балки томошабинлар, театршунослар, драматурглар ва барча санъат ихлосмандлари учун қувончли кундир.



ЯНГИЛАНАЁТГАН МАДАНИЙ ХОДИСА



Шахрибону ИМОМОВА, “Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, “Шуҳрат” медали соҳиби

— Сўнгги йилларда театр соҳаси ҳам жадал ривожланишда, — дейди Маданият вазирлигининг Театр, цирк санъати ва кинематография соҳаси фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси Турсун Файзуллаева. — Театрлар моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ҳар бир ижодий жамоанинг унумли ижод қилиши учун шароит яратилмоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 22 ноябрдаги “Театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса соҳада янги босқични бошлаб берди. Қарорда ўзбек театр санъати ижодий жараёнини янада қўллаб-қувватлаш, моддий-техник база, кадрлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш, халқаро ҳамкорлик доирасини янада кенгайтириш масалаларига қамраб олинган. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича “тармоқ йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди. Қарор ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тўртта қарори қабул қилинди. Ҳар бир қарорнинг туб негизда театр ва театр-студияларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш вазибалари белгиланган. Драматурглар учун Маҳмудхўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Ўзбекистон халқ артисти ва санъат арбоби Баҳоудин Йўлдошев номидаги мукофотлар таъсис этилиши ижод аҳли учун қўлланма воқеа бўлди.

Мамлакатимизда 41 та давлат театри мавжуд. Аҳоли сони 38 миллионга етган юртимиз учун бу камлик қилиши инобатга олинб, охириги йилларда 4 та янги театр ташкил этилди, 3 та театр учун замонавий бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2030 йилга қадар барча театр биноларини босқичма-босқич реконструкция қилиш режалаштирилган.



Давлат театрларининг транспорт воситаси билан таъминланиши, хориқга кўпроқ гастроля уюштириши, молиявий эркинлик берилиши уларни изланишга, янги-янги спектакллар яратишга ундамоқда.

Театрда репертуарни бойитиш ва янгилаб туриш ҳамisha биринчи талаб ҳисобланади. 2025 йилда театрларимизда 173 та янги спектакль саҳналаштирилди. Уларнинг 13 таси тарихий мавзуда, 75 таси миллий ва замонавий, 85 таси эса жаҳон драматургиясининг сара намуналаридир. Миллий қаҳрамонлар, алломалар ва саркардалар образини яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. 2025-2030 йиллар учун буюк тарихий шахсларнинг ибратли ҳаёти, ижоди, болалиги ва ёшлигини фидоқиланган саҳна асарлари режа-жадвали тасдиқланиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг бо-

лаллик ва ўсмирлик даври гавдалантирилган спектакллари яратиш мўлжалланган. Шунингдек, “Инсон қадри учун” ғояси асосида вазирик ва идоралар билан ҳамкорликда таъсирчан, долзарб саҳна асарларини яратиш мақсад қилинган.

Вазирлик тизимидаги давлат театрлари томонидан жорий йил давомида 160 та янги асарни саҳналаштириш белгиланган. Бу билан театр нафақат маданий, балки маърифий вазифани ҳам адо этиши табиий. Ўзбек Миллий академик драма театри режиссёри Асқар Холмўминов саҳналаштирган “Адолат фасли”, Муқимий номидаги ўзбек давлат академик мусиқали театрида Достон Ҳақбердиев саҳналаштирган “Қайнона”, Ўзбекистон давлат драма театрида Олимжон Салимов саҳнага олиб чиққан “Ромео ва Жульетта”, Қашқадарь вилояти мусиқали драма театрида туркиялик К.Эрдилкара томонидан қўйилган “Тентақнинг ёзмалари”, Каттақўрғон шаҳри драма театрида Достон Ҳақбердиев саҳналаштирган “Бибиҳоним” спектакллари томошабинлар олқиши ва эътирофига сазовор бўлди.

Сўнгги йилларда давлат буюртмаси билан Ўзбекистон давлат драма театрида “Ишлагандай бўлайлик”, Андижон вилояти мусиқали драма театрида “Мирзо Улуғбек”, Наманган вилояти мусиқали драма театрида “Усмон Носир”, Фарғона вилояти мусиқали драма театрида “Шоҳ Эдинг”, Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида “Лайли ва Мажнун” спектакллари саҳналаштирилди. Улардаги янги ижодий ёндашув саҳна асарлари санъати тобора ошаётганини кўрсатади.

Пойтахтимизда катта тарихий йўлни босиб ўтган, ўз мавқеи ва аудиториясини топиб олган ижодий жамоалар қаторида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театри ҳам бор.

“Театримиз репертуарини бойитиш, замон талаблари асосида янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди театр бош режиссёри Достон Ҳақбердиев. — Давлат мусиқали театрининг чиройли биноси ҳаммага таниш. Бу ерга ҳар куни театр шинавандалари келиб, ўз маданий эҳтиёжини қондириб кетади. Репертуарни бойитиш учун ижодий жамоа доимий изланишда. 2025 йил жамоамиз учун сермахсул ва мазмунли бўлди, бир қатор янги саҳна асарлари намойиш этилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти битирувчи талабалари билан ҳамкорликда Туроб Тўла қаламига мансуб “Нодирабегим” асарини саҳналаштирдик. Шунингдек, Ҳамзанинг “Майсара” мусиқали комедияси ҳамда драматург Ҳайитмат Расул қаламига мансуб “Қувёнинг омонати” асари репертуаримиздан ўрин эгаллади.

Гастроль сафарларимиз доираси анча кенгайди. Маданият вазирлиги ҳамда “Ватандошлар” жамоат фондига ташаббус билан амалга оширилган “Саҳналар дўстлиги” лойиҳаси доирасида Қирғизистон, Қозғистон ва Тожикистонга ижодий сафар уюштирилди. Қозғистоннинг Оқтоғ шаҳрида ўтказилган ТУРКСОЙ III халқаро театр фестивалида жамоамизнинг “Қобил ила Ҳобил” спектакли “Энг янши мусиқали драма спектакли” номинациясида ғолиб топилди бизга катта рағбат бағишлади.

Шунингдек, “Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида Маданият ва Спорт вазирликлари билан ҳамкорликда Диёра Келдиёрованинг ҳаёт йўли, фаолияти ҳақида спектакль саҳналаштирилди.

Театр санъати аҳолининг маданий эҳтиёжини қондириши керак. Агар спектакль ҳақиқатан ҳам таъсирли ва долзарб мавзуда бўлса, театр зали томошабинга тўлади. Утган йили давлат театрлари томонидан 3,8 миллион томошабин қамраб олинган бўлса, 2030 йилга қадар бу кўрсаткичи 15 миллионга етказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 200 дан ортиқ янги спектаклни саҳналаштириш, 125 та давлат театрнинг халқаро фестивал ва гастролларда иштирокини таъминлаш, хусусий сектор улушини 30 фоизгача ошириш, цирк томошалари сонини 440 тага етказиш мақсад қилинган.

Янгица ислохотлар даврида халқаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Юртимиз театрлари ижодкорлари бир-бирдан қизиқарли асарларни дунё саҳналарида намойиш этиб, фахрили ўринларни эгаллаб келмоқда. Ана шундай жамоалардан бири Алишер

Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театридир.

— Театримиз ижодий жамоаси ҳар йили камда тўртта миллий, жаҳон классик опера ва балет асарини саҳналаштириш учун давлат буюртмасини олади. “Алишер Навоий” ва “Бал Маскарад”, “Евгений Онегин”, “Шоир қалби” опералари ҳамда “Жалолиддин Мангубери” “Оққўш қўли” балет спектакллари давлат буюртмаси асосида саҳналаштирилди, — дейди театр режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳайдарали Қосимов. — Театрларга давлат буюртмаси ажратилиши санъат аҳлининг ҳам ижодий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватланишидан далолат. Бизга хорижий театрлар тажрибасини ўрганиш аънанаси кириб келди. Туркия, Озарбайжон, Грузия, Британия, Франция, Италия, Россия, Португалия, Беларусь театри ижодкорлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, тажрибали режиссёр ва расмолар томонидан турли спектакллари саҳналаштириш жараёни давм этмоқда.

Шу ўринда давлат театрларида саҳналаштирилаётган спектаклларда қандай ғоя устуворлик қилаётгани ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтсак. Мамлакатимизда ислохотлар қўлими кенг, қайси соҳани қамраб, янгилашни нафаси, дунё давлатлари тажрибаси шитоб билан кириб келаётганини кўралик. Демак, худди шу нафас, айнан шу руҳ саҳнага кўчиши керак. Театр — замон кўзгуси. Саҳнада роль ўйнаётган актёр, яъни қаҳрамон жамиятининг азоси, сизу бизга ҳамнафас ва елкадоғ инсонлардир. Шу боис, замондошларимиз ҳаёти саҳнада намён бўлиши керак. Халқаро театр куни муносабати билан ҳар йили 21-27 март кунлари давлат театрларида “Театр томошалари ҳафталиги”, “Очик эшиклар куни” ўтказилади. Бу ижодий жамоаларни халққа яқинлаштиради, улар аудиториясини кенгайтиради, янги ижодий марраларга ундайди.

Театр — жамият ўз ҳолини, тутумини, қувончию оғригини, кеча ва эртасини кўрадиган ойна. Саҳнадаги ҳар бир образ, монологу диалоглар аслида томошабин ичидаги саволларга жавоб, ижтимоий-руҳий тугун, чигалларга ечим бўлади. Шу боис, театр ҳеч замон шунчаки кўнгилхушлик воситаси бўлмаган. Зеро, у ҳамisha фикр уйғотган, савол ташлаган, жавоб берган.



Азиза ИМОМХЎЖАЕВА, Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги маънавий-ахлоқий, тарбиявий ишлар ва болалар соғломлаштириш оромгоҳи билан ишлаш бўлим бошлиғи

ТАРБИЯГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ КУЧ

Республикамиз бўйлаб “Турон” ўқувчилар театр жамоалари танлови бўлиб ўтмоқда

Унча олис бўлмаган ўтмишимизда бунини тушунган, англаган зиёли аждодларимиз — жадид боболаримиз эди. Улар саҳна кучли восита, жамият эҳтиёжини эканини тушунган ҳолда театр яратишга интилган. Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Чўлпон, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби маърифатпарварлар миллатни уйғотишдек эзгу мақсад йўлида пьесалар ёзди, театр жамоалари тузди, спектакллар қўйди. Улар саҳнага оддий асар олиб чиқмаган, билъақс, жамиятдаги иллатларга усталик билан кўзгу тутган: қо-лоқликни, жаҳолатни, муаммоларни образга айлантириб, одамларнинг ўзига кўрсатган. Театрнинг асл моҳияти, вазифаси ҳам шунда, аслида.

Қадим Рим, Юнон маданиятида ҳам, Шарқнинг уюқ тарихида ҳам саҳна томошалари, асарлар асосидаги спектакллар бор эди. Саҳнадаги асар орқали замона камчиликлари кўрсатилган, ҳажвага олинган, трагедиялару комедиялар намойиш қилинган, ҳақто ахборот олиш ва дунёдан хабардор бўлиш воситаси ҳам бўлган.

Бугунги миллий театрчиликнинг тарихий асосларига назар солисак, 1911 йилдан Туркистон ҳудудида драматик асарлар саҳналаштирила бошлаганидан бохабар бўламиз. Ордан кўп ўтмай, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг машҳур “Падаркуш” пьесаси саҳнага чиқди ва қисқа вақт ичида кенг муҳокамалар уйғотди. Асарда кўтарилган масала оила, тарбия, жамият, таълим ва масъулият ҳақидаги қарашларни ўртага ташлади.



1914 йилда Тошкентда “Турон” театр труппаси тузилди. Абдулла Авлоний бошчилигида шаклланган бу жамоа саҳна жамиятини тарбиялайдиган фикр маскани сифатида кўрган. “Падаркуш”, “Бахтсиз қувё”, “Авдоқатлик осмонми?” каби асарлар саҳнада қўйилган экан, улар орқали томошабинга ибрат кўрсатиш, муаммо ҳақида ўйлантириш асосий вазифа бўлган. Жадид театри асарларида жамиятдаги реал вазиятлар акс эттирилган.

Жадидларимиз нияти ҳам мана шу маърифат учоғидан самарали фойдаланиш, миллатни юксалтиришда саҳна шувур ва тафаккурга таъсир қиладиган кучга айлантириш эди.

Маърифатпарвар боболаримиз бошлаб берган саҳна аънанаси бугун янги шаклда давом этаётир. Театр аста-секин таълим тизимининг бир қисмига айлантирилди. Бунинг ортда эса, шубҳасиз, аниқ ёндашув ва мақсад бор.

2024 йил 1 апрелдаги давлатимиз раҳбарининг “Ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчиларининг билими, тафаккури, диди ва дунёқарашини ривожлантиришга қаратилган янги механизмлар белгиланган эди. Шу жараёнда театр алоҳида восита сифатида эътироф этилди. Ўқувчиларда эстетик қарашни шакллантириш, ижтимоий-ҳиссий кўникмаларни ривожлантириш, тарихий образлар орқали фикрлашни ўргатиш — буларнинг барчаси саҳна орқали берилиши мумкин бўлган энг самарали усуллар сифатида кўриляпти.

Шу асосда йўлга қўйилган “Турон” ўқувчилар театр жамоалари танлови айни ёндашувнинг амалий ифодасига айланди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг танлов шiori бўлган “Театр — ибратнаҳадир” деган сўзлари ҳам бу ташаббусдан кўзланган мақсадни ёрқин ифодаляйди.

Танлов қисқа вақт ичида кенг қўлам олди. 2026 йил февраль ойида ўтказилган ҳудудий босқичларда Ихтисослаштирилган

таълим муассасалари агентлиги тизимидаги 225 та Президент, ижод, спорт ва ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг театр жамоалари иштирок этиди. Бу дегани, 2250 ўқувчи саҳнага чиқиб, образ яратди, матн билан ишлади, томошабин олдига истеъдодини кўрсатди, фикрини ифода қилди. Ҳар бир жамоа 15 дақиқали саҳна кўриниши орқали адабий асарни жонлантирди, уни ўз талқинида томошабинга етказди.

“Турон” танловининг асосий қиймати саҳнадаги жараёнда, у орқали шаклланиётган умумий муҳитга кўринади. Худудий босқичларда ўқувчилар ўзбек адабиётининг турли асарларини саҳналаштирди. Бунда улар асар матнини жўнгина ёд олиш билан қифоялмай, уни тушуниши, талқин қилиш ва образга айлантиришга интилди.

Саҳнада ҳар бир детал, ҳаракат, имо маъно беради. Шу сабаб спектакль тўламобайнида ўқувчи муайян асар билан чуқурроқ ишлайди, воқеани ичидан тушунишга мажбур бўлади. Бу эса оддий ўқишдан фарқли ўлароқ, фол фикрлашга олиб келади. Ҳар бир спектакль камда ўн нафар ўқувчининг биргаликдаги меҳнатини талаб қиладди. Ролларни тақсимлаш, саҳна декорацияларини топиш, ахлитлаш — ҳаммаси ўзаро ҳамжиҳатлик ва масъулиятни тақозо этади. Жараён эса ўқувчининг ижтимоий кўникмаларини ҳам ривожлантиради. Мана шундай кичик, аммо тарбиявий, таълимий жиҳатлар ҳам ўсиб келаётган авлод учун жуда муҳим.

Театр бугун ҳам ёшлар тарбиясида самарали воситалардан бири сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ ва албатта, “Турон” ўқувчилар театр жамоалари танлови ҳам шу йўлда хизмат қилиши шубҳасиз.

8 ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обуюани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346. 31346 нусxada босилди.

Ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳас: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 02:15 Топширилди — 02:40